

Andijon shahar A.Navoiy ko'chasi 35- uy

Андижон шаҳар А.Навоий кўчаси 35-уй

ИНН-306986446 x/p 20 208 000 905 157 221 001 AT ИНВЕСТ ФИНАНС БАНК АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ МФО-01114

№ 18

«07» сентябрь 2020 йил

«SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 01 январдан 2019 йилнинг 31 декабрга қадар булган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий фикр билдирилган АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳар ДМХда 2020 йилнинг 09 январда 795679-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш ҳуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга булган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамияти билан 2020 йил 20 августда тузилган 18-сонли шартномага асосан жамиятнинг 2019 йил 01 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар булган давридаги молиявий фаолияти 2020 йил 20 августдан 2020 йил 07 сентябргача булган давр мобайнида утказилди.

Аудитор Н.Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати 20.03.2019 йил № 05598) томонидан «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисобот маълумотномадан иборат ҳисоботларининг ишончлилиги ихтиёрий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги молиявий қонунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йуналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг қонунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий ҳисобот буйича билдирган ҳулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳаракатдаги 70-сонли миллий стандартга мувофиқ утказилди. Ушбу стандартлар бизга мижоз қорхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда моддий аҳамиятга эга булган ҳатоликлар йуклиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботда ақс эттирилган ва бошқа молиявий ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи қонунчиликка мос қелишлигини баҳолашни талаб қилади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида қуриб чиқилган молиявий ҳисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний ахборот беради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун талабларига мос қелади.

МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик
ташкilotи директори,
аудитор:



Н. Курбонова